

ХОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ҚҰШМА ГАПЛАР ТАЪРИФЛАРИ ВА МЕТАТИЛИ

Каримова Ш., ФарДУ

Тилшунослик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қўшма гапларга берилган турли таърифларни кўришимиз мумкин. Дастреб, улар хақидаги таъриф содда шаклда баён этилган бўлса, кейинчалик вақт ўтиши билан таърифлар мураккаблашиб тўлиқ ҳолга келтирилишга харакат қилинган.

Кўйида берилган таърифлар қўшма гапларга берилган илк таърифлардан:

“Кўшма гаплар икки ёки ундан ортиқ предикатив конструксиянинг – содда гапларнинг бирикувидан ташкил топган гаплардир.”¹

“Икки ёки ундан ортиқ эга кесимлик муносабатига эга бўлган гапларни қўшма гап дейилади”.²

Кўриниб турибдики, бу таърифлар бирмунча содда ва тушунарли шаклга эга. Хозирги замон тилшунослари эса қўшма гаплар таърифига батафсилроқ ёндошишга харакат қилишади. Уларни тўлиқ ҳолда қўшма гап хақидаги барча маълумотларни қамраб олган дейиш мумкин. Масалан, Ўткир Юсупов ўзининг “Инглиз тили грамматикасидан универсал қўлланма” (2009) қўшма гапга қўйидагича таъриф берган:

“Кўшма гаплар содда гаплардан мақоми жиҳатидан юқори турувчи, таркибида камида иккита тўлиқ предикативли синтактик структура мавжуд бўлган маъно, шакли ҳамда интонацияси жиҳатидан бутун синтактик бирликлардир.”³ Таъриф қўшма гап эга бўлиши керак бўлган барча хусусиятларни ўз ичидаги қамраб олган. Таърифда қўшма гапни содда гапдан мураккаброқ қурилмалиги, энг камида иккита кесимлик белгисига эга бўлиши, уни маъно, шакл ва оҳанг жиҳатдан яхлит бир бутун эканлиги баён этилган.

Кейинги таърифларда тилшуносларни қўшма гапларга алоҳида яхлитлик ҳосил қилувчи бирлик сифатида ёндошишганлигини гувоҳи бўламиз:

“Кўшма гаплар бутун бир мураккаб фикрни ифодаловчи икки ёки ундан ортиқ содда гаплардан иборат бўлади.”⁴

“Кўшма гаплар полипредикатив конструкция бўлиб, аниқ ва тугал фикрни ифодалаб келади.”.

¹ Азизов О. Тилшуносликка кириш. –Т.:”Ўқитувчи” 1963. -113б.

² Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. –Т.: “Ўқитувчи” 1992.

³ Юсупов Ў. Инглиз тили грамматикасидан универсал қўлланма. –Т.: 2014. -272 б.

⁴ Гаппоров М., Қосимова Р. Инглиз тили грамматикаси.-Т.: “Турон-икбол”, 2011. – 296 б.

Nino Kirvolidze қўшма гапни таърифлар экан ўзининг “Theoretical course of English grammar” номли манбасида уни ташкил этган содда гаплар юзасидан ёндошади.

“Кўшма гап икки ёки ундан ортиқ қисмлардан ташкил топади. Қисмлар эса битта эга ва битта кесимдан иборат бўлган бирлик бўлиб, қисмларни ҳам ўзидан каттароқ бўлган бирлик, яъни, қўшма гапнинг бир бўлаги ҳисобланади.”⁵

Ўзбек тилшунослари таърифлари да алоҳидалик сезилиб туради. Улар томонидан берилган таърифлар мазмунан бир-бирига жуда яқин ҳисоблансада, таъриф берилишида мукаммалликка интилганлар. Тилшунослар томонидан келтирилган таърифлар билан танишар эканмиз, уларни аксариятини қуидаги 2 категория бўйича таснифлашига эътибор қаратдик:

1. Таърифларда мазмун ва оҳанг бирлигига алоҳида эътибор берилган: “Кўшма гаплар икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун грамматик жиҳатдан бирикувидан тузилади. Кўшма гап таркибидаги компонентларнинг бирикуvida интонациянинг роли катта.”⁶

“Кўшма гап алоҳида олинган гапларнинг тасодифий йиғиндиси бўлмай, балки мазмунан бир-бирига боғланган ва бири-биридан ажралиши мумкин бўлмаган, бир бутун, яхлит фикрни ифодалаш учун хизмат қиласиган содда гаплар йиғиндиси.”⁷

“Икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун, грамматик ва оҳанг жиҳатдан бирикувидан тузилган гап қўшма гап дейилади.”⁸

“Битта кесимлик белгисига, мазмунинг ва оҳанг тугаллигига эга бўлган содда, икки ёки ундан ортиқ содда гапнинг ўзаро грамматик ва мазмуний муносабатидан ташкил топган ва оҳанг тугаллигига эга бўлган бутунлик қўшма гап саналади.”⁹

2. Мазмун ва оҳанг бирлиги билан биргаликда боғланиш воситаларига урғу берилган:

“Турли воситалар ёрдамида ўзаро бирикиб, интонация ва мазмун жиҳатдан бир бутунлик хўсил қиласиган бир нечта содда гап қўшма гап деб аталади.”¹⁰

⁵ Kirvolidze. N. Theoretical course English language. –Tbilisi.: 2013. -74p.

⁶ Аскарова М. Абдураҳмонов Ҳ. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. –Т.: “Ўқитувчи”, 1981. – 184 б.

⁷ Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. Т.:”Ўқитувчи”, 1992.

⁸ Ҳамроев М. А. Она тили. Ўқув кўлланма. –Т.: 2008. -111 б.

⁹ Болтаева Г. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Навоий.: 2009.

¹⁰ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов. И. Ўзбек тили. –Т.: “Ўқитувчи”, 1978. -213 б.

“Грамматик тузилиши ҳамда охангига кўра бир бутунликни ташкил этган, боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида бириккан қурилмалар қўшма гапларни ташкил этади.”¹¹

“Мазмуни, грамматик тузилиши ҳамда оҳангига кўра бир бутунликни ташкил етган, боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида бириккан қурилмалар қўшма гапларни ташкил этади.”¹²

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шу кунгача қўшма гапларга турли тил вакиллари томонидан жуда кўплаб турлича таърифлар бериб келинган. Биз юқорида саралаб келтириб ўтган таърифларимиз уларни аксариятини ўз ичига олади. Биз таърифларни саралашда уларни турли даврларда маълум ва машҳур бўлган манбалардан олиб кўрсатишга харакат қилдик. Улар 60-70 йиллардан бошлаб хар 10 йиллик ичида шу кунга қадар берилган энг кўп ишлатилган ва маълум бўлган таърифлардандир. Таърифларни таҳлил қилас эканмиз, биз улардан қўшма гаплар қандай хусусиятга эга эканлигини ҳамда муаллиф уни қай жиҳатдан ёритмоқчилигини англаб олишимиз мумкин.

Қўшма гаплар хақида фикр юритаётганда яна бир алоҳида хусусиятга эътибор қаратиш лозим. Бу айнан қўшма гапларгагина тегишли ҳисобланган атамалар ва уларнинг ишлатилишидир. Улар фан тилида ўрганилаётган мавзунинг “метатили” деб юритилади. Биз қўшма гаплар метатилини хақида фикр юритишида эътиборимизни филология фанлари доктори, қўшма гаплар бўйича турли тизимли тилларда қиёсий таҳлил билан шуғулланган тилшунос F. M. Хошимов томонидан яратилган манбаларга қаратмоқчимиз.

Биламизки, хар бир тилда маълум тушунчалар ўзига хос бўлган атамалар билан юритилиб келинади. Атамалар универсал ёки ўша тилнинг ўзигагина хос бўлиши мумкин. Масалан, қўшма гапларга тегишли бўлган тушунчалар рус тилида: сложное (сложносочиненное, сложно-подчиненное, бессоюзное, сложноспаянное, многочлен-носложное, гиперсложное) предложение, главное и придаточное предложения; ўзбек тилида: қўшма гап, эргаш гапли қўшма гап, боғланган қўшма гап, бош гап, эргаш гап; Япон тилида: бун, кун; инглиз тилида: Composite (Compound, Complex) Sentence деб юритилади. Бу атамалар дунё тилларида ишлатиладиган атамалар бўлиб, уларни яна хоҳлаганча давом эттириш мумкин. Лекин, юқоридагиларни ўзи биз тадқиқ қилаётган бирликларни турли тилларда ўзгача юритилишини аниқлаш учун етарлидир. Вахоланки, хозирги замон тилшунослигига турли тил бирликларини барча учун тушунарли ва қулай тарзда ягона универсал атама билан номлаш жуда муҳим ҳисобланади.

¹¹ Абдураҳмонов F. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. Т., Ўқитувчи, 1991

¹² Абдураҳмонов F. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. Т., Ўқитувчи, 1996

Бу холат ҳар бир тил фойдаланувчиси учун қулайлик туғдиради албатта. Фанда аллақачон турли тил вакиллари томонидан мақулланган ва барчага умумий ҳисобланган «грамматика», «лингвистика», «синтаксис», «граммема», «синтаксема», «фонема», «морфема», «лексема», «сема», «полисемия», «омоним», «синоним», «антоним», «пароним», «гипоним» каби атамалардан фойдаланиб келинади. Зотан, бу терминлар исталган тилнинг грамматик қурилишида асосий ўринни эгаллаб туради. Дунёнинг қай тилида бўлмасин улар ҳамма фойдаланадиган ва бирдек тушунарли бўлган атамалардир. 1

Қўшма гапларга тегишли бўлган атамалар тузилишига назар ташлайдиган бўлсақ, уларни келиб чиқишида “синтаксис” сўзидағи асос қисм “таксис” мухим роль ўйнайди. “Таксис” сўзи ўзи гап учун мухим белги ҳисобланган кесимлик белгаси билан характерланиб, гапнинг юқори даражаларини яратилишида иштирок этувчи энг кичик синтактик бирлиқdir. Гап маълум тилларда “таксема” деб ҳам юритилади. «Таксема» Блумфильд, ва Ахманов томонидан, ҳамда «пропозема» Блох томонидан фойдаланилган. Шундай қилиб, “синтаксис” сўзидан “таксис” қисмини ажратиб олиб, уни ёрдамида гапнинг юқори даражаларини номлаб чиқишимиз мумкин. Масалан:

1. Монотаксис - содда гап
2. Политаксис - қўшма гап:
 - а) паратаксис - teng боғланган қўшма гап
 - б) гипотаксис - эргаш гапли қўшма гап
 - в) коллотаксис - (подуровенъ сложноколлокированного предложения);
 - г) парентаксис - (подуровенъ сложнопарентезного предложения);
 - д) гипертаксис - (подуровенъ сложносмешанного (сложносочиненного и сложноподчиненного) предложения);
 - г) супретаксис - (подуровенъ многочленносложного предложения);
 - д) ультратаксис - (подуровенъ сверхсложного предложения);
 - а) архитаксис - (подуровенъ архисложного предложения).

Ушбу атамалар монотаксема (monotaxeme), политаксема (polytaxeme), паратаксема (parataxeme), гипотаксема (hypotaxeme), коллотаксема (collotaxeme), парентаксема (parentaxeme), гипертаксема (hypertaxe-me), супретаксема (supertaxeme), ультратаксема (ul-trataxeme) ва архитаксема (architaxeme) тарзида ёки монотакс, политакс, паратакс, гипотакс, коллотакс, парентакс, гипертакс, супретакс, ультратакс ва архитакс шаклида ҳам юритилиши мумкин. Шуни ёдда тутиш керакки, атамалар тузилишида “синтаксис” ва “таксис”, уларнинг эмик (синтаксема, таксема) ҳамда этик (синтакс, такс) кўринишлари яратувчи бирлик сифатида намоён бўляпти.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрги «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори.
2. Абдураҳмонов F. Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1973.
3. Абдураҳмонов F. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. –Т.: Ўқитувчи, 1991.
4. Азизов О. Тилшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1963.
5. Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. – М., Высшая школа, 1966.
6. Блох М.Я. Вопросы изучения грамматического строя языка. – М.: Изд-во Моск. гос. пед. ин-та, 1976.